



ЎЗБЕКИСТОНДА
ОЛИЙ ТАЪЛИМ:
100 САВОЛГА
100 ЖАВОБ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН
ВА ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ ОЛИЙ
ТАЪЛИМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ТАДҚИҚОТЛАРИ ВА
ИЛФОР ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ТАТБИҚ ЭТИШ МАРКАЗИ

ЎЗБЕКИСТОНДА ОЛИЙ ТАЪЛИМ: 100 САВОЛГА 100 ЖАВОБ

Методик қўлланма



ТОШКЕНТ
2023

УЎК: 378.014(575.1)

КБК: 74.58(5Ў)

Э - 99

Эшмуродов, А.

Ўзбекистонда олий таълим: 100 саволга 100 жавоб [Матн]: методик қўлланма /
А. Эшмуродов, М. Мамарасулов . – Тошкент: "Sano-Standart", 2023. – 32 б.

ISBN 978-9943-7215-5-5

Мазкур методик қўлланма олий таълим муассасаларида крэдит-модуль тизимида талабаларнинг мустақил таълимини ташкил этиши ва назорат қилишига қаратилган бўлиб, уларнинг мустақил фикрлашларини шакллантириши мақсади ва вазифалари кўрсатилган. Қўлланмада мустақил ишлаш мазмунни, шакли, методлари ҳамда талабаларнинг мустақил ишлашларига методик тавсиялар берилган.

Ушбу методик қўлланмадан олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари, тадқиқотчилар, магистрант ҳамда талабалар фойдаланишлари мумкин.

Таҳрир ҳайъати:

Ш.Якубов, М.Эсанов, Т.Аҳмедов,
Л.Зарипов, С.Мусамедов, А.Сабриев

УЎК: 378.014(575.1)

КБК: 74.58(5Ў)

Олий, ўрта маҳсус ва профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштируечи кенгашининг 2022 йил 29 октябрдаги 6-сонли ўйигилиш баёни Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирийнинг 2022 йил 25 ноябрдаги 388-сонли буйргуи билан нашрга тавсия этилган.

ISBN 978-9943-7215-5-5

© Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирилиги ҳузуридаги Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илфор технологияларни татбиқ этиш маркази, 2023 й.

КИРИШ

Замонавий ҳаётни бугун илм-маърифат ва таълимнинг тараққиётисиз тасаввур этиб бўлмайди, инсоният фан ўқи атрофида айланәтгандек гўё. Жаҳоннинг етакчи давлатларида таълимни ривожлантириш биринчи галдаги вазифа сифатида белгиланиши ҳам бежиз эмас. Негаки мамлакатнинг келгуси равнақи айнан шу соҳада қўлга киритган ютуқлари билан белгиланади.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек: “Ҳаммамизга аёнки, тараққиётнинг тамал тоши ҳам, мамлакатни құдратли, миллатни буюк қиласиган күч ҳам бу – илм-фан, таълим ва тарбиядир. Эртанги кунимиз, Ватанимизнинг ёруғ истиқболи, биринчي навбатда, таълим тизими ва фарзандларимизга берадиган тарбиямиз билан чамбарчас боғлик”.

Юртимиздаги олий таълим соҳасида амалга оширилаётган инқилобий ислоҳотлар натижасида тизимнинг барча босқичи, хусусан, қабулдан бошлаб, дарслар, назоратлар, амалиёт, ўқишни кўчириш ва бошқа барча жараёнларда инсон омили камайтирилиб, тизимда адолат ўрнатилмоқда. Шунингдек, олий таълим муассасалари сонининг 199 тадан ортгани, қабул квотаси аввалги 9 фоиздан қарийб 40 фоизгacha ошгани, нодавлат секторининг ривожланиши, рақобат муҳитининг шаклланаётгани фуқароларнинг таълим олиш ҳуқуқини кафолатлашга хизмат қилияпти.

Дарҳақиқат, Янги Ўзбекистон шароитида таълим жараёнига олий таълим муассасаларидан олинадиган турли ҳисобот ва маълумотлар сонини кескин камайтириш, уларни тайёрлашнинг қофоз шаклидан воз кечиш, бошқарув тизимини рақмалаштириш мақсадида рақамли университет лойиҳаси доирасида “Олий таълим жараёнларини бошқариш ахборот тизими” (HEMIS – Higher Education Management Information Systems) ишлаб чиқилди. 2021/2022-ўқув йилидан бошлаб барча давлат олий таълим муассасаларида талабалар ўқув варақаси, рейтинг дафтарчаси, академик маълумотнома, дарс жадвали, давомат ва ўзлаштиришга оид маълумотлар, тўлов-контракт шартномалари рақмалаштирилди.

Таълим ва тарбия узлуксиз жараён бўлиб, унга янги самарали механизmlарни жорий этиш, ҳаёт билан ҳамоҳанг яшаш давр талабидир. Шу маънода муҳтарам Президентимизнинг рухсатлари асосида мураббийлик институти ўрнига хориж тажрибасида қўлланилаётган **тыюторлик институти** жорий қилинди.

Мамлакатимизда 2019 йилнинг октябрида Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепсияси қабул қилинди. Ушбу ҳужжатга интеллектуал тараққиётни жадаллаштириш, рақобатбардош кадрлар тайёрлаш, илмий ва инновацион фаoliyatни самарали ташкил этиш ҳамда халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш мақсадида фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини ривожлантириш сингари вазифалар асос қилиб

олинди. Концепция ижроси доирасида давлат олий таълим мұассасаларига академик, молиявий ва ташкилий-бошқарувда мұстақиллик бериш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 24 декабрдаги қарорлари қабул қилинди.

Маълумки, барчамиз ҳар куни таълим тизими, ундаги ислоҳотлар билан тўқнаш келамиз. Фарзандларимиз, набираларимиз тақдирини ўйлаб, уларнинг ўз қизиқишилари бўйича сифатли таълим олиши, келажакда юртимиз ва халқимиз фаровонлигига муносиб ҳисса қўшишилари учун жон куйдирамиз. Бу бежиз эмас, албатта.

Қўлингиздаги ушбу методик қўлланма мамлакатимизда олий таълим тизимига боғлиқ юз саволга юз жавобни ўз ичига қамраб олган бўлиб, фуқароларимизнинг олий таълим тизими билан боғлиқ масалаларига ечим топишда ёрдам беришига ишонамиз.

САВОЛ ВА ЖАВОБЛАР

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИГА ОИД УМУМИЙ МАСАЛАЛАР

1. Ўзбекистон Республикасида қайси орган таълим соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширади?

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси таълим соҳасидаги ягона давлат сиёсатини амалга оширади. Таълим соҳасидаги давлат дастурларини тасдиқлайди ва уларнинг амалга оширилишини таъминлайди. Шунингдек, таълим соҳасидаги ваколатли давлат бошқаруви органларига раҳбарлик қилади.

2. Қайси вазирликлар мамлакатимизда таълим соҳасида ваколатли давлат бошқаруви органи ҳисобланади?

Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ҳамда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги таълим соҳасидаги ваколатли давлат бошқаруви органлари ҳисобланади.

3. Таълим олиш ҳуқуқи деганда нима тушунилади?

Жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, ҳар кимга таълим олиш учун тенг ҳуқуқлар кафолатланади.

Чет эллик фуқаролар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига ва қонунчилигига мувофиқ Ўзбекистон Республикасида таълим олишга ҳақлидир.

Ўзбекистон Республикасида доимий яшаётган фуқаролиги бўлмаган шахслар таълим олиш учун Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан тенг ҳуқуқларга эга.

3. Фарзандим 11-синфни тугатмоқда. Менга олий таълим тўғрисида маълумот берсангиз?

Олий таълим бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича юқори малакали кадрлар тайёрланишини таъминлайди.

Олий маълумотли кадрларни тайёрлаш олий таълим ташкилотларида (университетлар, академиялар, институтлар, олий мактаблар) амалга оширилади. Умумий ўрта (ўн бир йиллик таълим), ўрта маҳсус (тўқиз йиллик таянч ўрта ва икки йиллик ўрта маҳсус таълим), бошланғич профессионал таълим (тўқиз йиллик таянч ўрта ва икки йиллик бошланғич профессионал таълим) олган

шахслар, шунингдек, ушбу Қонун кучга киргунига қадар ўрта маҳсус, касб-хунар таълими (тўқиз йиллик умумий ўрта ва уч йиллик ўрта маҳсус, касб-хунар таълими) олган шахслар олий маълумот олиш ҳуқуқига эга.

4. Бугунги кунда таълим муассасаларида таълим олувчиларнинг кийим-бошига нисбатан турли муносабатлар пайдо бўлмоқда. Кийим-бошга нисбатан талаблар борми ўзи?

Таълим ташкилотларида таълим олувчиларнинг кийим-бошига доир талаблар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Мактабдан ташқари таълим, кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш турлари бўйича нодавлат таълим хизматларини кўрсатувчи нодавлат таълим ташкилотлари таълим олувчиларнинг кийим-бошига доир талабларни мустақил белгилашга ҳақли.

Таълим олувчиларнинг айрим тоифалари Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан кийим-бош билан таъминланади.

5. Ҳозирги кунда таълим соҳасида нодавлат ташкилотлар кўпайиб бормоқда. Уларни таълим хизматларини кўрсатишга ҳуқуқи борми?

Ха, албатта бор. Нодавлат таълим ташкилоти – давлат таълим стандартлари, давлат таълим талаблари ва ўқув дастурларига мувофиқ таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берадиган лицензия асосида ёки хабардор қилиш тартибида таълим хизматлари кўрсатувчи юридик шахс ҳисобланади.

6. Педагог ходимларининг ҳуқуқлари, шаъни ва қадр-қиммати қандай ҳимояланган?

Таълим ташкилотлари педагог ходимларининг ҳуқуқлари, шаъни, қадр-қиммати ва ишчанлик обрўси давлат ҳимояси остида бўлади.

Таълим ташкилотлари педагог ходимларининг касбий фаолиятига аралашишга, таълим олувчиларнинг билимларини тўғри ва холис баҳолашга таъсир кўрсатишга, шунингдек, ушбу педагог ходимларининг хизмат мажбуриятларини бажаришига тўсқинлик қилишга йўл қўйилмайди.

Педагог ходимларни уларнинг лавозим мажбуриятлари билан боғлиқ бўлмаган ҳар қандай бошқа ишга жалб қилиш тақиқланади.

7. Мамлакатимизда таълим олишнинг қандай шакллари мавжуд?

Таълим олиш шакллари қўйидагилардан иборат:

ишлаб чиқаришдан ажralган ҳолда таълим олиш (кундузги);

ишлаб чиқаришдан ажralмаган ҳолда таълим олиш (сиртқи, кечки, масофавий);

дуал таълим;

оилада таълим олиш ва мустақил таълим олиш;

кatta ёшдагиларни ўқитиш ва уларга таълим бериш;
инклузив таълим;
экстернат тартибидаги таълим;
мудофаа, хавфсизлик ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти соҳасида
кадрлар тайёрлаш.

8. Хорижда таълим олишни хоҳлайман, мен бу борада қандай ҳуқуқларга эгаман?

Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи фуқаролар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ ёки якка тартибда хорижда таълим олиш ҳуқуқига эгадирлар.

9. Таълимдаги энг катта муаммолардан бири – таълим оловчиларнинг ўз мажбуриятларини билмаслиги. Қонунда уларнинг қандай мажбуриятлари бор?

Таълим оловчиларнинг мажбуриятлари қўйидагича:

ўқув дастурлари асосида билим, малака ва кўникмаларни ўзлаштириши, машғулотларга қатнашиши, уларга мустақил тайёргарлик кўриши, педагог ходимларнинг топшириқларини бажариши;

таълим-тарбия жараёнининг бошқа иштирокчиларига нисбатан жисмоний ва (ёки) руҳий зўравонлик ишлатмаслиги ва уларнинг ўз мажбуриятларини бажаришига тўскىнлик қилмаслиги;

устав (тавсис ҳужжати) талабларига, ички тартиб-қоидаларига, вақтинча яшаш жойлари қоидаларига ва таълим фаолиятини ташкил этиш ҳамда амалга оширишга оид бошқа ички ҳужжатлар талабларига риоя этиши;

ахлоқий, маънавий ва жисмоний камол топишга ҳамда ўз дунёқарашини кенгайтиришга интилиши;

таълим-тарбия жараёни иштирокчиларининг шаъни, қадр-қиммати ва ишчанлик обрўсини ҳурмат қилиши;

таълим ташкилотининг мол-мулкини, моддий ва маданий бойликларини асраши шарт.

Таълим оловчиларнинг зиммасида қонунчиликка мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

ДАВЛАТ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИ

10. Мамлакатимизда бакалавриат таълим йўналишларида масофавий таълим шакли мавжудми?

Ҳа, мавжуд. 2022/2023-ўқув йилидан бошлаб давлат олий таълим муассасаларида бакалавриат таълим йўналишлари бўйича масофавий таълим шакли жорий этилди.

11. Давлат олий таълим муассасаларига ўқишига мақсадли қабул қилиш тартиби ҳақида маълумот берсангиз?

Давлат таълим муассасаларига ўқишига мақсадли қабул қилиш тегишли ҳудудларнинг, соҳалар ва тармоқларнинг кадрларга бўлган эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда улар учун белгиланган таълим олувчиларни қабул қилиш параметрлари доирасида амалга оширилади.

Давлат таълим муассасаларига ўқишига мақсадли қабул қилиш кадрлар буюртмачилари, давлат таълим муассасалари ва фуқаролар ўртасида тузиладиган шартномалар асосида амалга оширилади.

Давлат таълим муассасаларига мақсадли қабул қилиш тартибида ўқишига кириш умумий асосларда танлов натижаларига мувофиқ амалга оширилади.

12. Мен Навоий давлат педагогика институтини тамомлаб, магистратурада ўқимоқчиман. Магистратурага кириш қандай тартибида амалга оширилади?

Давлат олий таълим муассасалари магистратурасига қабул абитуриентнинг бакалавриат диплом бали ўртача кўрсаткичи ҳамда хорижий тилни билиш дарражаси бўйича тегишли миллый ёки халқаро сертификат бали асосида, баллар кетма-кетлигига қатъий риоя қилган ҳолда амалга оширилади ҳамда қўшимча имтиҳон ўтказилмайди.

13. Фарзандим магистратурада ўқишни давом эттироқчи. ОАВ орқали магистратурага икки марта топшириш имконияти ҳақида эшитиб қолдим. Шу ҳақда маълумот берсангиз?

Давлат олий таълим муассасалари магистратурасига қабул бир йилда икки марта – август ва январь ойларида ташкил этилади. Бунда:

август ойидаги қабул – навбатдаги ўқув йили учун тасдиқланган давлат гранти ва тўлов-контракт асосидаги ҳамда молиявий мустақиллик берилган олий таълим муассасаларининг кузатув кенгашлари томонидан тасдиқланган тўлов-контракт асосидаги қабул параметрларига мувофиқ;

январ ойидаги қабул – дастлабки қабул натижаларига кўра, тўлмаган ўринлар ҳамда Давлат комиссияси томонидан тасдиқланган қўшимча тўлов-контракт асосидаги қабул параметрларига мувофиқ амалга оширилади.

14. Магистратурага қўшимча қабул параметрлари асосида ўқишга қабул қилинганabituriyentlarning tuldov-kontrakt summasi kim tomonidan belgilanadi?

Давлат олий таълим муассасалари магистратурасига қўшимча қабул параметрлари асосида ўқишга қабул қилинганabituriyentlarning tuldov-kontrakt summasi bир талабага тўғри келадиган реал харажатлардан келиб чиқиб, олий таълим муассасаси томонидан мустақил белгиланади.

15. Farzandim siper kontrakt aсосида ўқишга kирди. Tabaqalashтирилган tuldov-kontrakt miqdori kim tomonidan belgilanadi?

Tabaqalashтирилган tuldov-kontrakt miqdori Davlat komissiyasi tomonidan belgilangan summadan kam bolmagan miqdorda oliy taъlim muassasalari tomonidana mустақил белгиланади.

16. Xorij fukarolari qanday tarbipta respublikamizdagi oliy taъlim muassasalariga ўқишga қabul қiliinadi?

Чет эл фуқароси олий таълим муассасаси томонидан ўтказиладиган сухбат натижасига кўра ўқишга қабул қилинади.

17. Xorij fukarolariiga oliy taъlim muassasalarida ўқish бўйичa tuldov-kontrakt summasi қай tarbipta shakllantiriladi?

Давлат олий таълим муассасаларига бўйсунуви бўйича вазирlik va идоралар билан келишилган ҳолда, чет эл фуқаросини tuldov-kontrakt aсосида ўқитиш қийматини тегишли таълим йўналиши ва мутахassislik учун Ўзбекистон Республикаси фуқароларига нисбатан белgilangan базавий tuldov-kontrakt miqdoridan kam bolmagan miqdorda belgilaш xукуки beriladi.

18. Respublikamizdagi xorijiy oliy taъlim tashkilotlari va ularning filiallari hamda nodavlat oliy taъlim tashkilotlariida davlat granti aсосida taъlim olish mumkinmi?

2022/2023-ўқув йилидан бошлаб respublikada faoliyat юритаётган xorijiy oliy taъlim tashkilotlari va ularning filiallari hamda nodavlat oliy taъlim tashkilotlariida давлат granti aсосида kadrлar tайёрлаш бўйича 1000 ta ўрин ajratildi.

Ҳар йили 1 iyulga қадар мазкур давлат grantinin oliy taъlim tashkilotlari va bakalavriat taъlim йўналишлари бўйича taқsimoti Davlat komissiyasi tomonidan Oliy va ўrta maxsus taъlim vazirligi, Taъlim sifatini nazorat қилиш давлат inspeksiyasining takliflari aсосида tasdiqlanadi hamda Oliy va ўrta maxsus taъlim vazirliginинг расмий web-saytiда эълон қилинади.

19. Жияним Oila va хотин-қизлар қўмитасининг хотин-қизлар учун berilgan tawsiyonomasini oldi. Ushbu tawsiyoma bilan oliy taъlim muassasasiga давлат granti aсосида ўқишga қabul қiliinadimi?

Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитасининг тавсияномасини олган, олий маълумотга эга бўлмаган хотин-қизлар учун 2022/2023-ўқув йилидан бошлаб бакалавриатнинг кундузги таълим шакли бўйича умумий белгиланган давлат гранти асосидаги қабул параметрларига қўшимча давлат гранти асосида ўқишига қабул қилинади.

20. Ўқитиш тоҷик, қозоқ, туркман ва қирғиз тилларида олиб бориладиган олий таълим муассасаларида имтиҳонларни қабул қилиш қандай тартибда амалга оширилади?

Айрим таълим йўналишлари бўйича ўқитиш тоҷик, қозоқ, туркман ва қирғиз тилларида олиб бориладиган олий таълим муассасаларида Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига ўқишига қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси билан келишган ҳолда, қабул кўп балли тизим бўйича касбий имтиҳонлар ва тест синовлари асосида амалга оширилади.

Бу таълим йўналишига аризалар фақат умумий ўрта таълим муассасасини ёки ўрта маҳсус, касб-ҳунар таълим муассасасини кўрсатилган тилларда битирган абитуриентлардан қабул қилинади.

21. Қизим магистратурага тўлов-контракт асосида талабаликка қабул қилинди. Унинг тўлов-контракти давлат томонидан тўлаб бериладими?

2022/2023-ўқув йилидан бошлаб давлат олий таълим муассасалари магистратурасига ажратилган қабул параметрлари доирасида базавий тўлов-контракт асосида талабаликка қабул қилинган хотин-қизларнинг тўлов-контракт тўлови давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қопланади.

22. Давлат олий таълим муассасаларига ҳужжат топшириш жараёни қай шакlda ва қаҷон амалга оширилади?

Давлат олий таълим муассасаларига қабул жараёнида абитуриентларни онлайн рўйхатдан ўtkазиш Ягона интерактив давлат хизматлари портали ва Давлат тест марказининг расмий веб-сайти орқали ҳар йили 20 июндан 20 июлга қадар (20 июль куни ҳам), чет тили фанидан касбий (ижодий) имтиҳон ўтказиладиган бакалавриат таълим йўналишлари бўйича эса 10 июлга қадар (10 июль куни ҳам) амалга оширилади.

ТАЛАБАЛАР ЎҚИШНИ КЎЧИРИШ МАСАЛАЛАРИ

23. Мен хорижда таҳсил оламан. Ўқишимни давлат олий таълим муассасаларининг мос ва турдош таълим йўналишларига кўчиришим мумкинми?

Хорижий мамлакатларда фаолият юритаётган (жумладан, халқаро тан олинган рейтингларда биринчи 1000 та ўриндан бирини эгаллаган) олий таълим ташкилотларидан давлат олий таълим муассасаларининг мос ва турдош таълим йўналишларига кўчириш мумкин.

24. Ўқишимни хориждан кўчиришда қандай талаблар мавжуд?

Талабадан алоҳида иқтидор талаб этиладиган таълим йўналишлари бўйича касбий (ижодий) имтиҳонлар, бошқа таълим йўналишлари бўйича тест синовлари ўтказилади. Бунда, касбий (ижодий) имтиҳонлар тегишили олий таълим муассасаси томонидан, тест синовлари Давлат тест маркази томонидан ўтказилади.

25. Хориждан ўқишимни кўчиришда тест синовларида паст балл тўпладим. Менга юртимиизда ўқиш имконияти мавжудми?

Ўтиш балидан паст балл тўплаган талabalар бакалавриатга қабул қилишдаги тартибга мувофиқ табақалаштирилган тўлов-контракт асосида ўқишига қабул қилинади.

26. Давлат олий таълим мұассасаларининг мос ва турдош бўлмаган таълим йўналишларига хориждан кўчиришга рухсат этиладими?

Хорижий мамлакатларда фаолият юритаётган олий таълим ташкилотларидан давлат олий таълим мұассасаларининг мос ва турдош бўлмаган таълим йўналишларига кўчиришга рухсат этилмайди.

27. Давлат олий таълим мұассасасининг биридан бошқасига талabalар ўқишини кўчиришга қайси ҳолатларда рухсат берилади?

Талаба оила қуриши муносабати билан турмуш ўртоғи доимий яшайдиган ҳудуддаги олий таълим мұассасасига ўқишини кўчириш учун мурожаат қилганда; давлат органларининг ходимлари иш жойи ўзгарган тақдирда, унинг турмуш ўртоғи ёки вояга етмаган фарзанди ўқишини кўчириш учун мурожаат қилганда, тегишли вазирлик (идора) раҳбарининг тавсияси асосида рухсат берилади.

28. Талabalар ўқишини республикада фаолият юритаётган хорижий ва нодавлат олий таълим ташкилотларидан кўчиришда қандай шаклда амалга оширилади?

Давлат олий таълим мұассасаларининг мос ва турдош бўлмаган таълим йўналишларига кўчириш ўрнатилган тартибда, тегишили бакалавриат таълим йўналиши учун белгиланган табақалаштирилган тўлов-контрактнинг минимал микдорига тенг бўлган бир марталик тўлов асосида амалга оширилади.

ИККИНЧИ ВА УНДАН КЕЙИНГИ ОЛИЙ ТАЪЛИМНИ ОЛИШ ТАРТИБИ

29. Кимлар иккинчи ва ундан кейинги олий таълимни олишлари мумкин?

Олий маълумотга эга бўлган бакалавр (дипломли мутахассис) даражасига эга шахслар бакалавриат таълим йўналишлари бўйича иккинчи ва ундан кейинги олий таълимни олишлари мумкин.

30. Иккинчи ва ундан кейинги олий таълимга ўқишига кириш учун абитуриентлар қачонгача ҳужжат топширишлари мумкин?

Иккинчи ва ундан кейинги олий таълимга ўқишига кириш учун абитуриентлар ҳар йили 10 июлдан 10 августга қадар (шу куни ҳам) Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган маҳсус электрон тизим орқали рўйхатдан ўтади.

31. Абитуриентлар рўйхатдан ўтишда маҳсус электрон тизимга қайси ҳужжатларни юклаши керак?

Олий маълумот тўғрисидаги ҳужжатнинг нусхаси (ёки дипломдан қўчирма – Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларини давлат гранти асосида ўқиб тутагланлар учун) ва олий маълумот тўғрисидаги ҳужжатнинг илова нусхаси.

Бунда, хорижий давлатлар таълим муассасаларининг 1992 йил 1 январдан кейин берилган дипломлари белгиланган тартибда ностирификациядан ўтказилган бўлиши лозим.

32. Иккинчи ва ундан кейинги олий таълимда ўқиш қайси курсдан бошланади?

Иккинчи ва ундан кейинги олий таълимда ўқиш ўқув режаларидаги фанлар фарқидан қатъи назар, 2 курсдан бошланади. Бунда, иккинчи ва ундан кейинги олий таълимда ўқиш давомийлиги тегишли бакалавриат таълим йўналишлари учун белгиланган муддатдан бир йилга кам этиб белгиланади.

ТАЛАБАЛАРГА АКАДЕМИК ТАЪТИЛ БЕРИШ

33. Академик таътил олишни истаган талабалар ўз ихтиёрига кўра, академик таътил муддатига таълимнинг сиртқи ва масофавий шаклига ўтказиб мустақил таълим олиши мумкинми?

Академик таътил олишни истаган талабалар ўз ихтиёрига кўра, академик таътил муддатига таълимнинг сиртқи ва масофавий шаклига ўтказилиб (агар олий таълим муассасасида бундай таълимнинг шакллари мавжуд бўлса), уларга узлуксиз мустақил таълим олиш имконияти яратилади.

34. Оиласининг бетоб аъзосини парвариш қилиш сабабли академик таътил олиш ҳуқуқи бериладими?

Оиласининг бетоб аъзосини парвариш қилиш сабабли анъанавий шаклдаги таълимни давом эттириш имконияти бўлмаган талабаларга ҳам академик таътил олиш ҳуқуқи берилади.

35. Қайси ҳолларда олий таълим муассасалари талабаларига академик таътил берилиши мумкин?

Ҳарбий хизматни ўташ учун; саломатлигини тиклаш учун; ҳомиладорлик ва туғиш учун; болаларни парвариш қилиш учун; оиласининг бетоб аъзосини

(отаси, онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар, турмуш ўртоғи, фарзанди) парвариш қилиш учун талабаларига академик таътил берилиши мумкин.

36. Академик таътил даврида стипендия олиш мумкинми?

Талабаларга академик таътил даврида стипендиялар тўланмайди.

37. Талаба сурункали касаллиги сабабли бир ойдан ортиқ вақт давомида дарсларда қатнаша олмади, у академик таътил олса бўладими?

Талаба сурункали касаллиги сабабли бир ойдан ортиқ вақт давомида дарсларда қатнаша олмаса, талаба ёки унинг ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар аризасига асосан талабага академик таътил берилиши мумкин. Бунда, академик таътил муддати ўтишининг бошланиши талаба дарсларда қатнаша олмаётган кундан бошлаб ҳисобланади.

38. Академик таътилда бўлган талабаларда ҳомиладорлик ва туғиши ҳолатлари юзага келган тақдирда академик таътил муддати узайтирилиши мумкинми?

Саломатлигини тиклаш ёки оиласининг бетоб аъзосини парвариш қилиш учун академик таътилда бўлган талабаларда ҳомиладорлик ва туғиши ҳолатлари юзага келган тақдирда, ҳомиладорлик ва туғиши учун академик таътилнинг муддати узайтирилади.

39. Академик таътил муддати тугагандан сўнг ўқишига қайтмаган талабаларга қандай чора кўрилади?

Академик таътил муддати тугагандан сўнг ўқишига қайтмаган ва натижада бир семестр давомида дарсларни узрли сабабларсиз 74 соатдан ортиқ қолдирган талаба олий таълим муассасасидан четлаштирилади.

Ушбу талаблар ўқув жараёни кредит-модуль тизимига ўтган олий таълим муассасаларига нисбатан татбиқ этилмайди.

ЎҚУВ ЖАРАЁНИГА ОИД МАСАЛАЛАР

40. Ногиронлиги бўлган талаба ёзги сессиядан 3 та фанни ўзлаштира олмаса, курсдан курсга қолдирилиши мумкинми?

Рейтинг баҳолаш тизими асосида таҳсил олаётган талаба семестр якунига кўра, академик қарздор бўлса ва белгиланган муддатларда қарздорликни топшира олмаса, курсдан курсга қолдирилади. Ушбу ҳолатларда ногиронлиги бўлган шахсларга имтиёз кўзда тутилмаган.

41. Олий таълим муассасаларида тўлов-контракт асосида таълим олган битирувчилар мажбурий ишга жойлаштирилиши мумкинми?

Олий таълим муассасаларида ўз ҳисобидан тўлов-контракт бўйича таълим олган битирувчилар ўз ихтиёри билан тақсимот комиссиясида иштирок этиши

ва унинг розилиги асосида комиссия қарори билан таклиф этилаётган иш жойларига ишга юборилиши мумкин. Бунда, битирувчиларнинг тақсимоти олий таълим муассасаси ректори томонидан тасдиқланган олий таълим муассасасининг тақсимот комиссияси томонидан ўтказилади.

42. Фарзандим кундузги таълим шаклида 2-курсда ўқииди. Бир вақтнинг ўзида иккита олий таълим муассасасида ўқиши мумкинми?

Ўзбекистон Республикасидаги олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган талабаларнинг шахсий йиғма жиллари (тегишли ҳужжатларнинг асли) олий таълим муассасаларида сақланади. Шу билан бирга, бакалавриатнинг кундузги таълим шаклида ўқиётган талабаларнинг факатгина дарсдан бўш вақтларида гина (куннинг иккинчи ярмида) бошқа фаолият билан шуғулланишларига рухсат этилган.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, бир вақтнинг ўзида Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган 2 та давлат олий таълим муассасасида таҳсил олиш имкони мавжуд эмас.

43. Бемор бўлиб қолган талаба якуний давлат аттестациясида узрли сабаб билан иштирок эта олмаса, қайта топшириш имкони бўладими?

Узрли сабаб билан якуний давлат аттестацияси синовларига келмаган талабалар ректорнинг бўйруғи билан якуний давлат аттестация комиссиясининг иши якунланишига қадар бошқа муддатларда ўтказиладиган якуний давлат аттестацияси синовларига киритилиши мумкин.

Шунга кўра, талаба якуний давлат аттестация синовларини топшириш учун бевосита олий таълим муассасасига мурожаат қилиши сўралади.

44. Бу йил кечки (сменали) таълимга ўқишига кирдим, лекин кечки таълимда ўқишига уйдагиларим рухсат беришмаяпти. Ўқишимни сиртқи таълимга кўчирсам бўладими?

Кечки (сменали) таълимдан сиртқи (максус сиртқи) таълимга ҳамда кечки (сменали) таълимнинг бир таълим соҳасидан иккинчисига кўчиришига йўл қўйилмайди.

45. Умумтаълим мактабида ўқитувчи бўлиб ишлайман. Ишдан ажрамаган ҳолда кечки (сменали) таълимда масофадан туриб ўқисам бўладими?

Кечки (сменали) таълимда масофадан туриб ўқитиш талабаларнинг асосий иш жойидан ажралмаган ҳолда, ўқув режасидаги барча фан дастурларида белгиланган билимларни мустақил, масофадан туриб ўзлаштириш асосида амалга оширилиши мумкин.

Масофадан туриб ўқитиш онлайн (масофадан туриб реал вақт режимида видеомаърузалар, консультациялар, назорат турларини ўтказиш) ва оффлайн (масофадан туриб ўқитиш тизимидағи тегишли ўқув-методик ресурсларни мустақил равишда ўзлаштириш) режимларида ташкил этилади.

46. Амалий машғулотларда талабалар фойдаланиши учун услубий кўрсатма тайёрлаганман. Мазкур кўрсатмани чоп этишга тавсия этиш учун қайси кенгашга мурожаат қилиш мумкинлиги тўғрисида маълумот берсангиз?

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 10 октябрдаги 816-сонли қарорига мувофиқ, услубий кўрсатма таълим муассасасининг кенгаши қарори асосида нашр этишга тавсия этилади.

47. Олий таълим тизимида ўқув адабиётларининг қандай турлари мавжуд?

Олий таълим тизимида ўқув адабиётларининг дарслик, ўқув қўлланма, услубий қўлланма, услубий кўрсатма, услубий тавсиянома, маълумотлар тўплами (банки), маъruzalар курси, маъruzalар тўплами, машқлар (масалалар) тўплами, луғат ва дайжест каби турлари мавжуд.

48. Олий таълим муассасасида мутахассислик фанларида фойдаланила-диган адабиётларни янгилаб бориш даврийлиги белгиланганми?

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 10 октябрдаги "Олий таълим муассасаларини ўқув адабиётлари билан таъминлаш тўғрисида" ги 816-сонли қарорида ўқув адабиётларини янгилаб бориш даврийлиги бўйича тавсиявий кўрсаткичлар қўйидагича белгиланган:

Ижтимоий-гуманитар ва иқтисодий фанлар бўйича ўқув адабиётлари (5 йил);

Табиий-илмий ва математик фанлар бўйича ўқув адабиётлари (10 йил);

Умумқасбий фанлар бўйича ўқув адабиётлари (7 йил);

Махсус фанлар бўйича ўқув адабиётлари (6 йил).

49. Ўқув адабиётларини яратища нималарга асосий эътибор қаратилади?

Мамлакатда жорий этилган узлуксиз таълим тизимининг таълим турлари (ўтра маҳсус, касб-хунар таълими, олий таълим (бакалавриат, магистратура) ўртасидаги узвийлик ва узлуксизлик таъминланади ҳамда фанлар мавзуларининг асосиз тақрорланишига йўл қўйилмайди. Фанлarda мавзулар изчилигига, оддийдан мураккабга, хусусидан умумийликка ўтиб бориш тамоилларига амал қилинади.

50. Айрим сабабларга кўра, талабалар сафидан четлатилган талаба ўқиши-ни қаҷон ва қайси семестрдан тиклаши мумкин?

Олий таълим муассасалари талабаларининг ўқишини қайта тиклаш бўйича аризаларни топшириш ва кўриб чиқиш бир йилда икки марта амалга оширилади. Кузги семестрга қайта тиклаш бўйича ариза топшириш 15 июлдан 5 августга қадар, баҳорги семестрга қайта тиклаш бўйича ариза топшириш 15 январдан 25 январга қадар давом этади. Юқоридагиларни инобатга олиб, талаба қайта тиклаш бўйича олий таълим муассасаси ректори номига ариза билан мурожаат этиши мумкин.

51. Келинимнинг 2 ойлик чақалоғи бор. Шу сабабли ўқишини онлайн қылса бўладими?

Вазирлар Маҳкамасининг 344-сонли қарори билан талабаларга академик таътил беришнинг янгича тартиби ўрнатилган. Унга кўра, ОТМ талабаларига болаларни ёки оиласининг бетоб азосини (отаси, онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар, турмуш ўртоғи, фарзанди) парвариш қилиш учун академик таътил берилиши мумкин.

Академик таътил бериладиган талабалар аризасига кўра, ОТМ ректори буйруғига мувофиқ, унинг ўқиши академик таътил муддатига таълимнинг сиртқи ёки масофавий ёки экстернат таълим шаклига (агар ОТМда бундай таълимнинг шакллари мавжуд бўлса) ўтказилиши мумкин. Бунда талаба ОТМдан четлаштирилган ҳисобланмайди.

52. Олий таълимнинг сиртқи шаклида ўқийдиган талаба ҳам таълим кредитини олса бўладими?

2021/2022-йкув йилидан бошлаб республикадаги барча олий таълим ташкилотлари бакалавриатининг кундузги таълим шакли ҳамда магистратура босқичида тўлов-контракт асосида таҳсил олиш учун таълим кредити ажратишнинг янги тизими йўлга қўйилди. Бунда, таълимнинг сиртқи, кечки шаклларида ва иккинчи мутахассислик бўйича таҳсил оладиган талабалар ёки хорижий давлатлар фуқаролари назарда тутилмаган.

53. Мен Ўзбекистондаги олийгоҳда ўқишим тугалланмасдан маълум бир сабабларга кўра, ўқишдан четлаштирилдим. Сўнг Россияга кетиб, у ернинг фуқаролигини қабул қилдим. Ҳозирда мен Ўзбекистонда аввал ўқиган олийгоҳга ўқишимни тиклаб, уни давом эттира оламанми?

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ, сиз ўқишингизни аввал ўқиган олийгоҳга тикилашингиз мумкин. Фақат хорижий давлат фуқароси бўлган талаба сифатида тўлов-контрактни тўлашингизга тўғри келади.

54. Тўлиқ давлат таъминотида бўлган етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар сирасига кирувчи талабаларга қандай тартибда стипендия тайинланади ва тўланади?

Талабаларни рафбатлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан стипендиянинг базавий миқдорига нисбатан 50 фоиз юқори (оширилган) миқдорларда стипендия тайинланади ва тўланади.

55. Чирчиқ давлат педагогика университети Биология йўналиши (сиртқи) 3-курс талабаси мактабда дарс берса бўладими?

Таълимнинг сиртқи шакли аслида ишдан ажралмаган ҳолда, таълимни ташкил этиш учун йўлга қўйилган. Шу сабабли сиртқи таълимда ўқийдиганлар меҳнат фаолиятларини иш берувчи билан келишган ҳолда йўлга қўйишлари мумкин.

56. Талаба ижара ҳуқуқи асосида яшаса, ижара тўлови учун ёрдам қайси тартибда амалга оширилади. Тўлов нақд пул ёки пластик картага тушириладими?

Талаба таҳсил олаётган олий таълим муассасаси ректорининг буйруғига асосан бухгалтерия бўлими томонидан ижара ҳақининг бир қисмини қоплаш учун бериладиган маблағлар талабанинг пластик картасига пул ўтказиш йўли билан ҳар ойда 1 марта ўтказиб берилади.

57. Ўқишига кирган талаба учун талabalар турар жойларидан қандай мезонлар асосида жой ажратилади?

Талабаларни талabalар турар жойларига жойлаштириш бўйича асосий мезонлар қўйидагилар:

- Кам таъминланган оила фарзандлари;
- Боқувчисини йўқотган кўп болали оила аъзоси;
- I ва II гурӯҳ ногиронлиги бўлган талаба;
- Тўлиқ давлат таъминотида бўлганлар (чин етим);
- Оиласида 2 ва ундан ортиқ тўлов-контракт асосида таълим олувчи талаба бўлса;
- “Темир дафтар”га тушган оила фарзанди;
- Ота-онасининг доимий иш жойи мавжуд бўлмаган талаба;
- Оиласида I ва II гурӯҳ ногиронлиги ёки сурункали касаллик билан даволанадиганлар бўлган талаба.

58. Бу йил ўқишига киролмадим, аммо супер контракт асосида ўқимоқчиман. Супер контрактга аризанинг электрон тарзда йўллаб, шартномани ҳам электрон шаклда расмийлаштироқчи эдим, аммо ариза тўлдиришда икки томонлама ёки уч томонлама шартнома турини танлаш сўраляпти. Шулар ҳақида батағсил маълумот берсангиз.

Табақалаштирилган (супер) тўлов-шартнома асосида ўқиш истагини билдирган абитуриентлар учун ариза бериш ҳамда шартномани расмийлаштириш t-kontrakt.edu.uz платформаси орқали электрон шаклда амалга ошириш имконияти яратилди. Бунда:

Икки томонлама шартнома – ОТМ ва абитуриент ўртасида тузилади. Унда табақалаштирилган шартнома тўлови абитуриент ёки талаба ёхуд уларнинг ота-онаси томонидан тўланадиган бўлса, икки томонлама шартнома деган бандни танлаш керак бўлади.

Уч томонлама шартнома – ОТМ, абитуриент ва учинчи томондан эса бирор-бир юридик ёки жисмоний шахс ўртасида тузилади. Унда, табақалаштирилган шартнома тўловини абитуриент ёки талаба ёхуд уларнинг ота-онаси томонидан эмас, балки бирор-бир ташкилот (масалан, банк ёки абитуриент ота-онасининг ишхонаси) орқали тўловни амалга ошириш имкони бўлган тақдирда, уч томонлама шартнома деган бандни танлаш керак бўлади.

59. Талабалар ўқишини қайта тиклаш олий таълим муассасаси бўйсунувидаги вазирлик ва идоралар рухсати билан қандай ҳолларда амалга оширилади?

Ўқишдан четлатилганлигига 5 йилдан 10 йилгача муддат (ҳарбий хизматда бўлганлик, уч ёшгача бўлган болаларни парвариш қилиш билан боғлиқ меҳнатда таътили ҳамда соғлиқни қайта тиклаш вақтлари ушбу муддатга кирмайди) бўлган ҳолларда талабалар ўқишини қайта тиклаш олий таълим муассасаси бўйсунувидаги вазирлик ва идоралар рухсати билан амалга оширилади.

60. Давлат олий таълим муассасаларига ўқишга кириш учун ўтиш балига 2,6 балл етмай қолди. Шу кўрсаткич билан ўқишга қабул қилиниш учун қанча миқдорда контракт тўлаш керак бўлади?

Оширилган тўлов-контракт амалда ўрнатилган тўлов-контракт миқдорига нисбатан қўйидаги миқдорларда белгиланган. Тўплаган баллари тасдиқланган тўлов-контракт бўйича қабул квоталари чегарасига:

1 баллгача етмаган абитуриентлар учун – 1,5 баробар;

1,1 баллдан 2 баллгача етмаганлар учун – 2,0 баробар;

2,1 баллдан 3 баллгача етмаганлар учун – 2,5 баробар;

3,1 баллдан 4 баллгача етмаганлар учун – 3,0 баробар.

Демак, ўрнатилган тўлов-контракт миқдорига нисбатан 2,5 баробар тўлашингиз керак бўлади.

61. Таълим кредити кимларга ва қандай тартибда берилади?

Таълим кредитлари тижорат банклари томонидан олий таълим ташкилотларининг кундузги таълим шаклида бакалаврият таълим йўналиши ва магистратура мутахассислигига тўлов-контракт асосида ўқишга тавсия этилган ёки қабул қилинган, шунингдек, ўқишини кўчирган Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган талабаларга берилади.

Бунда, кредит олувчининг доимий даромад манбаига эга бўлган оила аъзолари (ота-онаси, aka-укаси, опа-синглиси, эри ёки хотини) ёки васийлари таълим кредити шартномасида биргаликда кредит олувчи сифатида қатнашишлари мумкин.

Олий таълим ташкилотида таҳсил олиш мақсадида табақалаштирилган тўлов-контрактни ва табақалаштирилган тўлов-контрактнинг минимал миқдорига тенг бўлган бир марталик бошқа тўловларни амалга ошириш учун таълим кредити ажратилишига йўл қўйилмайди.

62. Чет тилини билиш даражаси бўйича миллий сертификат С1га эга бўлган чет тили ўқитувчиларига қандай имтиёзлар мавжуд?

Таълим муассасаларининг камида С1 даражадаги миллий ёки унга тенглаштирилган мос даражадаги ҳалқаро тан олинган сертификатга эга хорижий тиллар (инглиз, француз, немис, испан, италян, араб, хитой, япон, корейс, турк, форс, пушту, дари, урду, ҳинд) ўқитувчиларига уларнинг базавий тариф

ставкасига нисбатан ҳар ойлик 50 фоиз миқдорида қўшимча устама ҳақи тўлаб борилади.

63. Мен Жиззах политехника институтида чет тили ўқитувчиси бўлиб ишлайман ва С1 даражадаги халқаро сертификат олмоқчиман. Бу борада олий таълим муассасаси томонидан менга бирор ёрдам мавжудми?

Ҳа, мавжуд. Бунда, давлат олий таълим муассасалари ўқитувчиларининг камидаги С1 даражадаги халқаро сертификатни олиш учун имтиҳон топшириш билан боғлиқ харажатлари олий таълим муассасаларининг ўз маблағлари хисобидан қоплаб берилади.

64. Талабалар ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тўғрисидаги қарорлардан норози бўлганлар кимларга мурожаат қилиши мумкин?

Белгиланган тартибда, тасарруфида олий таълим муассасалари бўлган вазирликлар ва идоралар ёки судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

ТАЛАБАЛАРГА СТИПЕНДИЯЛАР ТАЙИНЛАШ ВА ТЎЛАШГА ОИД МАСАЛАЛАР

65. Ўқишига кирган биринчи курс талабаларига дастлаб қандай тартибда стипендия тайинланади ва тўланади?

Биринчи курс талабаларига ўқув йилининг 1-семестри якуни бўйича фанлардан ўзлаштириш кўрсаткичлари (баҳолари) маълум бўлгунга қадар стипендиянинг базавий миқдорида стипендия тайинланади ва тўланади.

66. Кимлар ўзлаштираётган талабалар таркибиغا киради?

Бундан аввалги ўқув семестри учун ўзлаштириш (рейтинг назорати) кўрсаткичлари бўйича академик қарзи мавжуд бўлмаган талаба.

67. Давлат гранти асосида ўқитишининг кундузги шаклида таълим олувичи талабаларга нима асосларда стипендиялар тайинланади?

а) барча фанлар бўйича ўзлаштириш кўрсаткичи фақат “аъло” баҳо (рейтинг кўрсаткичи – 86 балл ва ундан юқори) бўлган талабаларга стипендиянинг базавий миқдори 20 фоизга оширилган ҳолда;

б) фанлардан ўзлаштириш кўрсаткичларининг 30 фоизидан кам қисмини “қониқарли” баҳога (рейтинг кўрсаткичи – 71 баллдан кам) ўзлаштираётган талабаларга – стипендиянинг базавий миқдорида;

в) фанлардан ўзлаштириш кўрсаткичларининг 30 фоизи ва ундан ортиқ қисми “қониқарли” баҳо (рейтинг кўрсаткичи – 71 баллдан кам) бўлган талабаларга (тўлиқ давлат таъминотида бўлган етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар сирасига кирувчи ҳамда 1- ва 2-гурӯҳ ногиронлиги бўлган талабалар бундан мустасно) навбатдаги ўқув семестри мобайнида стипендия тайинланмайди.

68. Тўлов-контракт асосида таълим олувчи талабаларга стипендия тайинлаш ва тўлаш мумкинми?

Тўлов-контракт асосида таълим олаётган талабаларга ўз хоҳишлари асосида, контракт қийматини стипендияли ёки стипендиясиз шаклда тўлаш ҳуқуқи берилади.

Талабаларга ўқув семестри якуни бўйича фанлардан ўзлаштириш кўрсат-кичларидан қатъи назар базавий миқдордаги стипендия тайинланади ва тўланади. Олий таълим муассасаларида стипендияли тўлов-контракт асосида таълим олаётган талабаларга стипендиялар белгиланган тартибда улар томонидан тўлов-контракт суммаси тўланганидан кейин берилади.

69. Қайси меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида номли давлат стипендияларини тайинлаш ва тўлаш амалга оширилади?

Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат стипендияси ҳамда Беруний, Ибн Сино, Навоий, Улуғбек, Имом ал-Бухорий, Тўлепберген Қаип-бергенов, Ибройим Юсупов ва Ислом Каримов номли давлат стипендияларини оладиган талабаларга стипендиялар тайинлаш Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 13 октябрда қабул қилинган “Ўзбекистон иқтидорли ёшларини тақдирлаш ва моддий рағбатлантириш тўғрисида”ги 226-сон қарори билан тасдиқланган Магистратура босқичи талабалари учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат стипендиялари ва уларни тайинлаш тартиби тўғрисидаги низом ҳамда Бакалавриат босқичи талабалари учун Ўзбекистон Республикаси Президенти ва номли давлат стипендиялари ҳамда уларни тайинлаш тартиби тўғрисидаги низомда белгиланган тартиблар асосида амалга оширилади.

70. Ўзбекистон Республикаси Президенти стипендияси кимларга тайинланади ва тўланади?

Давлат олий таълим муассасалари бакалавриатининг кундузги таълим шаклига кириш имтиҳонларида (тест синовлари, касбий (ижодий) имтиҳон, ёзма имтиҳон) энг юқори балл тўплаганabituriyentlarning 200 нафари Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган Ўзбекистон Республикаси Президенти грантига даъвогар бўлади ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибга мувофиқ ўтказилган танлов натижаларига кўра ғолиб бўлган ушбу тоифадаги талабаларга иккинчи курснинг ўқув йили бошидан Ўзбекистон Республикаси Президенти стипендияси тайинланади ва тўланади.

71. “Аъло” баҳоларга ўқиётган, ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган талаба-қизлар учун қандай стипендия берилади?

“Аъло” баҳоларга ўқиётган, ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган, олий таълим муассасалари бакалавриатининг кундузги таълим шаклида давлат гранти ёки тўлов-контракт асосида таълим олаётган талаба қизлар учун олий таълим

муассасаларининг Талабаларни рағбатлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган Қизлар учун маҳсус стипендия берилади.

Маҳсус стипендия ўқув семестри якуни натижаларига кўра, барча фанлар бўйича ўзлаштириш кўрсаткичи фақат “аъло” баҳо бўлган ҳамда “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими орқали кам таъминланган оила деб эътироф этилган оиласдан бўлган талаба қизларга тайинланади ва тўланади.

72. 1- ва 2-гуруҳ ногиронлиги бўлган талабаларга стипендия тайинлаш ва тўлаш тартиби қандай амалга оширилади?

Аввалги ўқув семестри якуни бўйича фанлардан ўзлаштириш кўрсаткичларидан қатъи назар, 1- ва 2-гуруҳ ногиронлиги бўлган ўзлаштираётган талабаларга стипендиянинг базавий миқдорига нисбатан 50 фоиз юқори (oshirilgan) миқдорларда стипендия тайинланади ва тўланади.

73. Тўлиқ давлат таъминотида бўлган етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар сирасига кирувчи талабаларга қандай тартибида стипендия тайинланади ва тўланади?

Аввалги ўқув семестри якуни бўйича фанлардан ўзлаштириш кўрсаткичларидан қатъи назар, тўлиқ давлат таъминотида бўлган ўзлаштираётган етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар сирасига кирувчи талабаларга базавий стипендия миқдорида стипендия тайинланади ва тўланади.

Талабаларни рағбатлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан стипендиянинг базавий миқдорига нисбатан 50 фоиз юқори (oshirilgan) миқдорларда стипендия тайинланади ва тўланади.

74. Академик қарзини бартараф этган талабаларга стипендия тайинлаш мумкинми?

Белгиланган тартибида академик қарзини бартараф этган (тегишли фанлар бўйича 55 ва ундан ортиқ фоиз тўплаган) ва фанлардан ўзлаштириш кўрсаткичларининг 30 фоиздан кам қисми “қониқарли” баҳо (рейтинг кўрсаткичи – 71 баллдан кам) бўлган давлат гранти асосида таълим олаётган талабаларга стипендия академик қарзни бартараф этиш муддати тугаганидан кейинги ойнинг биринчи кунидан бошлаб стипендиянинг базавий миқдорида кейинги ўқув семестрига қадар тайинланади.

75. Пенсия оладиган талабаларга ҳам стипендия тайинланадими?

Пенсия оладиган талабаларга стипендия умумий асосларда тайинланади.

76. Ҳомиладорлик ва туғиш таътили даври учун талабаларга стипендия тайинланадими?

Ҳомиладорлик ва туғиш таътили даври учун талабаларга стипендия қонун ҳужжатларида белгиланган муддатлар мобайнида умумий асосларда тўлиқ миқдорда тўланади.

2 ёшгача боласи бўлган ва ўқишини таълимнинг кундузги шаклида давом эттираётган талаба аёлларга стипендия умумий асосларда тўлиқ миқдорда тўланади. Бола 2 ёшга тўлгунига қадар уни парваришлаш таътилида бўлиш даврида стипендия тўланмайди.

ОЛИЙ ТАЪЛИМГА КИРИШ УЧУН БЕРИЛАДИГАН ИМТИЁЗЛАР

77. Ҳарбий қисм қўмондонлиги ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг тавсияномасини олдим. Шу тавсияномам билан қайси олий таълим муассасасига топширсан бўлади?

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий қисм қўмондонлиги (раҳбарияти) ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг тавсияномасига асосан ҳар бир ҳарбий қисмдан бир нафардан юқори натижаларга эришган ёш ҳарбий хизматчи қўшимча давлат гранти асосида олий таълим муассасаларига ўқишига қабул қилинади.

Мазкур имтиёзга эгаabituriyentlar олий таълим муассасаларининг бакалавриат таълим йўналишларига рўйхатдан ўтишда ўзлари танлаган биринчи олий таълим муассасасига талабаликка тавсия этилади.

78. Спорт мусобақалари ғолиби сифатида имтиёз билан давлат гранти асосида ўқишига қабул қилинган талабалар ўқишини сиртқи таълим шаклига ўтказганда давлат гранти сақлаб қолинадими?

Спорт мусобақалари ғолиби сифатида имтиёз билан олий таълим муассасаларига давлат гранти асосида ўқишига қабул қилинган ҳамда кундузги таълим шаклида таҳсил олаётган талабаларнинг ўқишини уларнинг аризаларига мувофиқ, сиртқи таълим шаклидаги мос ва турдош таълим йўналишига (сиртқи таълим шакли мавжуд бўлган тақдирда) давлат гранти асосида кўчиришига рұхсат берилади.

79. Турмуш ўртоғим ички ишлар органлари ходими бўлиб ишлаган, жамоат хавфсизлигини таъминлаш чоғида олган жароҳати туфайли ногирон бўлиб қолган. Бу йил ўғлим мактаб битирувчиси ўғлимнинг олий таълим муассасасига кириши учун қандай имтиёзлар мавжуд?

Терроризм ва жиноятчиликка қарши курашиб ҳамда жамоат хавфсизлигини таъминлаш чоғида ҳалок бўлган ёки олган жароҳати туфайли ногирон бўлиб қолган ички ишлар органлари ходимларининг фарзандларига олий таълим муассасаларига киришда танловсиз, белгиланган қабул параметрларидан ташқари давлат гранти асосида ўқишига кириш имтиёзи берилади (*тавсиянома асосида*).

Тавсиянома кундузги ёки сиртқи таълим шаклига бир марта кириш учун уч йилдан кўп бўлмаган муддатга берилади.

Мазкур имтиёзга эгаabituriентлар олий таълим муассасаларининг бакалавриат таълим йўналишларига рўйхатдан ўтишда ўзлари танлаган биринчи олий таълим муассасасига талабаликка тавсия этилади.

80. Спорт мусобақалари ғолиблари қайси олий таълим муассасаларига қандай тартибда қабул қилинади?

Катталар ва ёшлар ўртасида Олимпия ва Паралимпия ўйинлари дастурларига киритилган спортнинг олимпия ва паралимпия турлари бўйича Олимпия ва Паралимпия, Осиё ва Параосиё ўйинлари, жаҳон ва Осиё чемпионатларида охирги тўрт йилда ҳамда республика чемпионатларида охирги бир йилда ғолиб ва совриндор (1-3 ўрин) бўлган умумий ўрта таълим мактаблари, ўрта маҳсус профессионал таълим муассасаларининг битирувчилари олий таълим муассасаларига ўқишга кириш учун ҳужожатлар қабул қилиш бошлангунига қадар олий таълим муассасаларининг жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги таълим йўналишларига қўшимча давлат гранти асосида кундузги, сиртқи, кечки таълим шаклларига имтиҳон синовларисиз қабул қилинадилар.

81. Мен Самарқанд вилоятида яшайман. Қизим спортнинг шашка тури бўйича республика босқичи ғолиби бўлди. Лекин қизим таржимон бўлмоқчи. Агар Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетига топширса, имтиёз бериладими?

Республика (1-ўрин) ва халқаро (1-5-ўринлар) шахмат ва шашка турнирларида ғолиб чиққан академик лицейлар, касб-хунар коллежлари ва умумтаълим мактаблари битирувчилари педагогик кадрлар тайёрлайдиган олий таълим муассасасига тест синовларисиз ва қўшимча имтиҳонсиз қабул қилинадилар.

Бунда уларни олий таълим муассасасига имтиёзли қабул қилиш таълим муассасаси ихтисосликлари билан танловлар ихтисосликлари, спорт турларининг соҳа бўйича мос келишига қатый риоя қилинган ҳолда амалга оширилади.

82. Ўзбекистон ёшлар иттифоқи тизимидағи сардорларга олий таълим муассасаларига киришда имтиёзлар мавжудми?

Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг фаол аъзоларига, яъни Ўзбекистон ёшлар иттифоқи тизимидағи сардорларга, бошланғич ташкилотлардаги йўналиш етакчиларига, икки йиллик меҳнат стажига эга бўлган фидойи ёшларга олий таълим муассасаларига имтиёзли қабул қилиш бўйича тавсияномалар берилади. Бунда республика комиссияси танлов натижаларига кўра, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг бир нафардан (жами 14 нафар) энг муносиб ёшлар танлаб олинади.

Тавсияномага эга Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг фаол аъзолари давлат комиссиясининг қарори билан доимий яшаш жойидаги олий таълим муассасаларининг педагогика таълим йўналишларига танловдан ташқари

кириш имтиҳонлари (тест синовлари, касбий (ижодий) имтиҳон, ёзма имтиҳон) сиз қўшимча давлат гранти асосида ўқишга қабул қилинади.

83. Сирдарё вилоятида яшайман, фарзандим Президент мактабида ўқыйди. Мактабни битиргач қайси олий таълим муассасаларига имтиёз асосида ўқишга кириши мумкин?

Президент мактаблари битиравчилари давлат олий таълим ташкилотларига умумий белгиланган давлат гранти асосидаги қабул кўрсаткичларига нисбатан қўшимча давлат гранти асосида тест синовларисиз ва қўшимча имтиҳонларисиз ўқишга қабул қилинади.

Мазкур имтиёзга эгаabituriyentlar олий таълим муассасаларининг ба-
калавриат таълим йўналишларига рўйхатдан ўтишда ўзлари танлаган биринчи
олий таълим муассасасига талабаликка тавсия этилади.

**84. Ихтисослаштирилган таълим муассасалари агентлиги тизимидағи ихтисослаштирилган мактабларнинг битиравчилари учун олий таълим муас-
сасига кириш учун қандай имтиёзлар берилади?**

Ихтисослаштирилган таълим муассасалари агентлиги тизимидағи ихтисослаштирилган мактабларнинг битиравчилари ихтисослик йўналишидан келиб чиқиб, давлат олий таълим ташкилотларининг кимё, биология, физика ва ахборот технологиялари соҳалари учун кадрлар тайёрлайдиган бакалавриат таълим йўналишларига умумий белгиланган қабул параметрларидан ташқари, базавий тўлов-контракт асосида тест синовларисиз ва қўшимча имтиҳонларисиз ўқишга қабул қилинади.

Мазкур имтиёзга эгаabituriyentlar олий таълим муассасаларининг бакалавриат таълим йўналишларига рўйхатдан ўтишда ўзлари танлаган биринчи олий таълим муассасасига талабаликка тавсия этилади.

**85. Фарзандим бу йил мактабни битирди ва у миллий чет тили серти-
фикатига эга. Олий таълим муассасаларига киришда қандай имкониятлар
берилади?**

Тест синовлари (касбий (ижодий) имтиҳон) мажмуасига чет тили фани кири-
тилган барча бакалавриат таълим йўналишларига ҳужжат топширган ва миллий ёки халқаро имтиҳон тизимлари бўйича тилни билиш даражалари B2 ва ундан юқори бўлган сертификатга эгаabituriyentlarрга ушбу фандан имтиҳонларисиз белгиланган максимал балл берилади.

Бунда Тошкент давлат юридик университети учун IELTS сертификатига эгаabituriyentlarда writing модули 5,5 балл ёки ундан юқори бўлиши лозим.

Имтиёз амал қилувчи сертификатлар:

инглиз тили – миллий сертификат, IELTS, TOEFL, IBT 72, Cambridge Assessment English FCE, Cambridge Assessment English Linguaskill;

япон тили – миллий сертификат, JLPT № 2;

немис тили – миллий сертификат, Goethe-Zertifikat, DSD, Test DAF;
франсуз тили – миллий сертификат, DELF, TCF4;
бошқа тиллар – миллий сертификат ёки халқаро имтиҳон тизимлари.

Тегишли фандан бериладиган максимал балл фанлар мажмусасида мазкур фан мавжуд бўлган абитуриент танлаган барча таълим йўналишлари учун ўринли ҳисобланади.

86. “Темурбеклар мактаби” битиruvchilari учун Ўзбекистон Республикаси олий ҳарбий ва ихтисослаштирилган таълим муассасаларига ўқишга киришда қандай имтиёzlар мавжуд?

“Темурбеклар мактаби” битиruvchilariiga Ўзбекистон Республикаси олий ҳарбий ва ихтисослаштирилган таълим муассасаларига ўқишга киришда Давлат тест маркази томонидан ўtkaziladigan тест синовларида ўзлари тўплаган балларнинг 30 foizi mikdori dagi, respublikaning boшқa давлат олий таълим муассасаларига ўқишга киришда эса ўзлари тўплаган балларнинг 15 foizi mikdori dagi қўshimcha ballar kўriniishiда imtiёz beriladi.

Тўпланган баллга нисбатан қўshimcha ballar kўriniishiда imtiёz abituuriyent tanlagan barcha taъlim йўnaлишлари учун ўrinli ҳisoblanadi.

87. Olis chўl xududlari axolisasi учун oлий taъlim muassasalariga imtiёz-lar mawjud, deb eshitgandim. Bu қандай tarbiya amalga oshiriladi?

Навоий, Бухоро, Самарқанд вилоятларида олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишда тест синовлари натижалари бўйича 68 ва ундан юқори баллга, эга бўлган Навоий вилоятининг олис чўл туманлари (Конимех, Томди, Учқудук) да камида уч йилдан бўён истиқомат қilaётgan abituuriyentlar keйinchalik mutaxassisligi bўyicha uшбу xududlardagi бюджет ташкилотларида тегишли вилоят ҳокимлиги ва олий таълим муассасаси ўrtasiда tuziladigan шартнома асосида камида 4 йил iшlab beriш шарти билан қўshimcha давлат гранти асосида imtiёzli ўқишga қabul қiliнадi.

Бунда abituuriyent олий таълим muassasalarinинг bakalavriat taъlim йўnaлишлariiga rўyhatdan ўtiшda tanlagan birinchi oлий taъlim muassasasiiga (Навоий, Бухоро, Самарқанд вилоятларида олий таъlim muassasalaridan biri bўlsa) talabaliikkta tavsiya etiladi.

88. Наманган тумани ҳоким ёрдамчисиман, маълумотим ўрта. Ўқишини олий таъlimda давом эттироқчиман ва бу борада қандай имтиёzlар мавжуд?

2022/2023-ўқув йилидан бошlab олий маъlumotga, эга бўlmagan ҳokim ёrdamchilari давлат олий таълим muassasalarinинг iктисадий taъlim йўnaлишlariiga Қoraқalpofiston Республикаси Вазирlar Кенгashi Raisi, viloyatlari va Toшkent shaҳar ҳokimlarinинг tavsiyasiga kўra, давлат gранти асосида sirtqi taъlim shakliga suxbat асосида ўқишga қabul қiliнадi.

89. Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизими қандай тартибда ташкил этилади?

Олий таълим муассасаларининг бакалавриат таълим йўналишларига кириш имтиҳонларида тўплаш мумкин бўлган энг юқори баллнинг 30 фоизидан кам бўлмаган балл тўплаган ногиронлиги (I ва II гуруҳ) бўлган шахсларга қўшимча икки фоиз давлат гранти асосида қабул квоталари ажратилади.

Ногиронлиги бўлган шахслар учун қўшимча квоталар олий таълим муассасалари ва таълим шакллари кесимида тақсимланади ва абитуриент ўзи танлаган барча олий таълим муассасаларида (abituriuent танлаган таълим шакли доирасида OTMга ногиронлиги бўлган шахслар учун қўшимча квота ажратилган бўлса) имтиёз доирасида танловда иштирок этади.

Шунингдек, улар тест синовларида иштирок этиш учун ундириладиган тўловдан озод этилади.

90. Ногиронлиги бўлган шахсларни қўшимча квота асосида ўқишга қабул қилиш тоифасига кимлар киради?

Олий таълим муассасаларига ногиронлиги бўлган шахсларни қўшимча квота асосида ўқишга қабул қилиш тоифасига умумий ўрта таълим (11-синф негизида) ёки ўрта маҳсус таълим ташкилоти ёхуд бошлангич профессионал таълим касбҳунар мактабини тугатганлиги ҳақидаги ҳужжатга ҳамда I ва II гуруҳ ногиронлиги тўғрисида белгиланган тартибда берилган шаклдаги маълумотномага эга I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар, шунингдек, ногиронлиги бўлган болалар киради.

ОЛИЙ ТАЪЛИМДАН КЕЙИНГИ ТАЪЛИМГА ОИД МАСАЛАЛАР

91. Мен олий таълим муассасасининг бакалавр дипломини олганман ва 5 йиллик стажга эгаман. Олий таълимдан кейинги таълим институтида мустақил изланувчилик асосида фалсафа доктори (PhD) диссертациясини ҳимоя қилишим мумкиними?

Вазирлар Маҳкамасининг “Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 22 майдаги 304-сонли қарорига мувофиқ, магистрлик ёки клиник ординатура (тибиёт фанлари учун) дипломига эга бўлишингиз лозим.

92. Олий таълимдан кейинги таълимнинг қандай шакллари мавжуд?

Олий таълимдан кейинги таълимни олий таълим ва илмий ташкилотларда олиш мумкин.

Таянч докторантура фалсафа доктори (Doctor of Philosophy (PhD) илмий дараҷасига даъвогар изланувчилар учун ишлаб чиқаришдан ажralган ҳолда ташкил этиладиган олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар ихтисослиги бўйича олий таълимдан кейинги таълим шакли ҳисобланади.

Докторантурға фан доктори (Doctor of Science (DSc) илмий даражасында дағындар изланувчилар учун ишлаб чиқаришдан ажралған ҳолда ташкил этиладиган олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар ихтисослығи бүйічә олий таълимдан кейинги таълим шаклы ҳисобланади.

Мұстақил изланувчилік фалсафа доктори (Doctor of Philosophy (PhD) ёки фан доктори (Doctor of Science (DSc) илмий даражаларында дағындар изланувчилар учун ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ташкил этиладиган олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар ихтисослығи бүйічә олий таълимдан кейинги таълим шаклы ҳисобланади.

Илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш, илмий даражалар ва илмий үнвонлар беріш тартиби, шунингдек, қарбай, тиббиёт ва бошқа таълим ташкилотларында олий таълимдан кейинги таълим олиш хусусиятлари қонунчилікта белгиланади.

Олий таълимдан кейинги таълимнинг давом этиш мүддаты қонунчилікта белгиланади.

93. Менинг маълумотим олий ва олий таълим муассасасини 5 йиллик диплом билан битирғанман. Докторантурада ўқишиң давом эттирсам бўладими?

Олий таълимдан кейинги таълим институтига қабул қилинаётган магистр ёки клиник ординатурага (тиббиёт фанлари учун) ёки мутахассислик дастурлари бүйічә (1997 йилгача) олинган олий маълумот тўғрисидаги дипломга эга бўлиш белгиланган. Докторантурада ўқишиң давом эттиришингиз мумкин.

94. Қизим докторантурага ўқишига кирмоқчи. Ўқишига киришда қандай ҳужжатлар топширилади?

Докторантурада ўқишига талабгорлар илмий ташкилот ёки таълим муассасаларига қўйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:

ариза;

қисқача биографик маълумотнома;

мехнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси (ишлётган талабгорлар учун);

олий маълумот, фан номзоди ёхуд фалсафа доктори (PhD) ёки хорижий давлатларда унга тенглаштирилган илмий даражага эга бўлганлиги тўғрисидаги диплом нусхаси;

тадқиқот мавзуси бўйича илмий маъруза ва фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун тайёрланган докторлик диссертацияси режасининг муфассал лойиҳаси;

нашр этилган илмий ишлар рўйхати, шунингдек, уларнинг нусхалари.

95. Таянч докторантурага киришда талабгор чет тили бўйича сертификатга эга бўлса, имтиҳондан озод қилинадими?

Таянч докторантурада ўқиши учун талабгорлар мутахассислик ва чет тили (таълимнинг олдинги даражаларида ўрганилган хорижий тил) бўйича кириш имтиҳонлари топширадилар. Талабгорларда IELTS (ўртача балли камида 5,5), TOEFL (RVТ) (567 баллдан кам бўлмаган), TOEFL (iBT) (87 баллдан кам бўлмаган), CEFR (B2 даражадан паст бўлмаган) бўйича тасдиқловчи амалдаги халқаро малака сертификатлари мавжуд бўлганда чет тилидан топшириладиган имтиҳонлардан озод этилади.

Кириш имтиҳонлари саволлари илмий ташкилот ёки таълим муассасасининг қабул комиссияси томонидан мутахассисликнинг моҳиятидан келиб чиқиб тузилади ва Коллегиал орган томонидан тасдиқланади.

96. Хорижий фуқаролар ҳам докторантурага ҳужжат топширса бўладими?

Хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни (Республика ҳудудида истиқомат қилаётган фуқаролиги бўлмаган шахслар бундан мустасно) олий таълимдан кейинги таълим институтларига ўқишига қабул қилиш миллий қонунчилик, шунингдек, халқаро шартномаларга мувофиқ тўлов-контракт асосида амалга оширилади.

Республикамиз ҳудудида истиқомат қилаётган фуқаролиги бўлмаган шахслар олий таълимдан кейинги таълим институтларига ўқишига фуқаролар билан тенг ҳуқуқларда қабул қилинади.

Ўзбекистон Республикасида инвестиция визасига эга бўлган хорижий инвесторлар ҳамда уларнинг оила аъзолари Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун назарда тутилган шартларда олий таълимдан кейинги таълим институтларига ўқишига киришга ва таълим олишга ҳақли.

ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАРДА ТАЪЛИМ ОЛГАНЛИК ТЎҒРИСИДАГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАН ОЛИШГА ОИД МАСАЛАЛАР

97. Айтинг-чи, Ўзбекистонда қайси ҳолатларда хорижий давлатларда олий таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш тўғридан-тўғри (синовларсиз) амалга оширилади?

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида алоҳида бўлинмалари (филиаллари) ва қўшма таълим муассасалари фаолият юритаётган хорижий таълим муассасаларида таълим олган талабгорларнинг ҳужжатлари;

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги ҳамда Давлат инспекциясининг қўшма қарори билан рўйхати ҳар йили тасдиқланадиган халқаро эътироф этилган ташкилотларнинг (Quacquarelli Symonds World University Rankings, Times Higher Education, Academic Ranking of World Universities) рейтингида олий таълим муассасалари орасида биринчи 1 000 ўринни эгаллаган хорижий олий таълим муассасаларида таълим олган талабгорларнинг ҳужжатлари;

тизимида олий таълим муассасалари бўлган Ўзбекистон Республикаси вазирликлари ва идораларининг йўлланмалари асосида мутахассисларни мақсадли тайёрлаш учун хорижий давлатлар томонидан ажратилган квоталар (грантлар) ҳисобидан таълим олган талабгорларнинг ҳужжатлари;

1992 йил 1 январгача хорижий таълим муассасаларига ўқишига кирган талабгорларнинг ҳужжатлари;

Олий таълимда сифатни кафолатлаш Европа ассоциациясининг (European Association for Quality Assurance in Higher Education) тўлақонли аъзолари – ваколатли ташкилотлар томонидан аккредитация қилинган таълим муассасаларида таълим олган талабгорларнинг ҳужжатлари, рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган йўналишлар, мутахассисликлар ва касблар бундан мустасно;

Америка Кўшма Штатлари, Австралия Иттифоқи, Истроил Давлати, Канада, Сингапур Республикаси, Корея Республикаси, Япония давлатларининг ушбу давлатлар ваколатли ташкилотлари томонидан аккредитация қилинган таълим муассасаларида таълим олган талабгорларнинг ҳужжатлари, рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган йўналишлар, мутахассисликлар ва касблар бундан мустасно;

хорижий олий таълим муассасаларида мутахассисларни мақсадли тайёрлаш учун Ўзбекистон Республикаси вазирликлари ва идоралари томонидан ажратилган маблағлар ҳисобига таълим олган талабгорларнинг ҳужжатлари;

Ўзбекистон Республикасининг ҳалқаро шартномалари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида назарда тутилган ҳолларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатлар.

98. Хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш учун сўровномага қандай ҳужжатлар илова қилинади?

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 24 июлдаги 620-сон қарорига аосан хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш учун сўровномага қийидаги ҳужжатлар илова қилинади:

хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжат ва унга илованинг нусхаси;

хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжат ва унга илованинг Ўзбекистон Республикаси давлат тилига таржима қилинган нотариал тасдиқланган нусхаси.

Давлат хизматлари марказлари орқали мурожаат қилинганда талабгорнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат, хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжат ва унга илованинг асл нусхаси Ўзбекистон Республикаси давлат тилига таржима қилинган нотариал тасдиқланган нусхаси билан бирга давлат хизматлари маркази ходимига тақдим этилади.

99. Ўзбекистонда хорижий таълим тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш бўйича қандай талаблар мавжуд?

а) хорижий таълим тўғрисидаги ҳужжатни берган таълим муассасаси ва ушбу муассаса томонидан берилган ҳужжатнинг ўша давлат томонидан тан олинган бўлиши;

б) хорижий таълим тўғрисидаги ҳужжат беришга асос бўлган таълим стандартларининг ёки таълим дастурларининг Ўзбекистон Республикасида амалда бўлган давлат таълим стандартлари ва таълим дастурларига мувофикалиги;

в) Ўзбекистон Республикаси ва хорижий таълим тўғрисида ҳужжатни берган давлатнинг таълим тизимига қўйилган умумий талабларнинг мослиги.

100. Хорижий таълим тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш қайси ҳолларда рад этилади?

а) хорижий давлатларда касбий маълумот тўғрисида ҳужжат берадиган таълимнинг умумий меъёрий даври (тўлиқ умумий ўрта ёки ўрта маълумот олингандан кейин) Ўзбекистон Республикаси таълим стандартларида назарда тутилган даврдан икки йилдан кам бўлса;

б) хорижий таълим тўғрисидаги ҳужжат берилган давлатда унинг эгасига Ўзбекистон Республикасидагига қараганда таълим олиш ва (ёки) касбий фаолият билан шуғулланиш учун кам ҳуқуқлар берилган бўлса (ҳужжат эгаси таълимнинг кейинги босқичида ўқишни давом эттириш, касбий фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига эга бўлмаса);

в) маълумот Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида назарда тутилмаган таълим шаклида олинган бўлса;

г) олий таълим босқичларида:

бакалавриат бўйича ўқиш муддати уч йилдан кам бўлса ёки Европа таълим тизими асосида ўқиш давомида 240 дан кам кредит тўплаган бўлса;

магистратура бўйича ўқиш муддати бир йилдан кам бўлса;

бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари қўшиб ўқитиладиган таълим дастурлари бўйича таълим олганда, умумий ўқиш даври уч йилдан кам бўлса.

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	3
САВОЛ ВА ЖАВОБЛАР	
Олий таълим тизимиға оид умумий масалалар.....	5
Давлат олий таълим муассасаларида ўқишигга қабул қилиш масалалари....	8
Талабалар ўқишини кўчириш масалалари.....	10
Иккинчи ва ундан кейинги олий таълимни олиш тартиби.....	11
Талабаларга академик таътил бериш.....	12
Ўқув жараёнига оид масалалар.....	13
Талабаларга стипендиялар тайинлаш ва тўлашга оид масалалар.....	19
Олий таълимга кириш учун бериладиган имтиёзлар.....	22
Олий таълимдан кейинги таълимга оид масалалар.....	26
Хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олишга оид масалалар.....	28

Услубий нашр

**ЎЗБЕКИСТОНДА ОЛИЙ ТАЪЛИМ:
100 САВОЛГА 100 ЖАВОБ**

Методик қўлланма

Муҳаррир
А.Тилавов

Мусаҳҳиҳ
А.Абдужалилов

Саҳифаловчи
О.Исмайлов

Техник муҳаррир
Н.Мирпўлатова

Нашлиц. № АI 245, 02.10.2013.

Теришга 09.01.2023 йилда топширилди. Босишига
18.01.2023 йилда рухсат этилди. Бичими: 84x108 1/32.
Офсет босма. "Latto" гарнитураси. Шартли б.т. 1,68.
Нашр б.т. 1,0. Адади 250 нусха. Буюртма №106.
Баҳоси шартнома асосида

«Sano-standart» нашриёти, 100190, Тошкент шаҳри,
Юнусобод-9, 13-54. E-mail: sano-standart@mail.ru

«Go To Print» ХК босмахонасида босилди.
Тошкент шаҳри, Широқ кўчаси, 100-үй.
Телефон: 71 228-07-96, факс: 71 228-07-95



ЎЗБЕКИСТОНДА ОЛИЙ ТАЪЛИМ: 100 САВОЛГА 100 ЖАВОБ



ОЛИЙ ТАЪЛИМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ТАД҆КИҚОТЛАРИ ВА
ИЛГОР ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ТАТБИҚ ЭТИШ МАРКАЗИ

ISBN 978-9943-7215-5-5

97899431721555